

## **SOME TOPICAL ISSUES IN THE PROCESS OF TRANSLATION OF TEXTS IN THE FIELD OF MECHANICAL ENGINEERING**

Каримова Ферузахон Иноятовна  
Andijan Institute of Mechanical Engineering  
"Uzbek language and literature" department  
@mail: feruzakhon1964@gmail.com  
Phone: +998 (97) 580-90-64

### **Abstract**

This article analyses some of the problems in the translation of texts in the field of Mechanical Engineering. Such problems arise due to the fact that the technical vocabulary differs from the terms in colloquial and literary texts. But grammatical norms remain in place. Engineers in Mechanical Engineering are required to learn and keep in mind many of the terms related to the field.

**Keywords:** techniques and technologies, mechanical engineering, speech culture, general human values, grammatical norms, intellectual heritage, thinking, specific features, additions.


## **МАШИНАСОЗЛИК СОҲАСИДАГИ МАТНЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ БАЎЗИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Каримова Ферузахон Иноятовна  
Андижон машинасозлик институти  
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси катта уқитувчиси  
@mail: feruzakhon1964@gmail.com  
Тел: +998 (97) 580-90-64

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Машинасозлик соҳасидаги матнларни таржима қилишдаги айрим муаммолар кўриб чиқилган. Техникага оид матнлардаги сўзлашув ва адабиётдаги терминлардан фарқ қилганлиги сабабли шундай муаммолар келиб чиқади. Лекин грамматик меёрлар ўз ўрнида қолади. Машинасозлик соҳасидаги муҳандислар соҳага оид кўплаб терминларни ўрганиши ва ёдда сақлаши тақозо этилади.

**Калит сўзлар:** техника ва технологиялар, машинасозлик, нутқ маданияти, умум инсоний қадриятлар, грамматик меёрлар, интеллектуал мерос, тафаккур, қадриятлар, хос хусусиятлар, кўшимчалар.



### **Аннотация**

В данной статье рассматриваются некоторые проблемы перевода текстов в области машиностроения. Такие проблемы возникают из-за различий между терминами в разговорной речи и литературе в текстах, связанных с техникой. Но грамматические критерии остаются на своих местах. Инженеры в области машиностроения обязаны выучить и запомнить многие отраслевые термины.

**Ключевые слова:** техника и технологии, машиностроение, культура речи, общечеловеческие ценности, грамматические приемы, интеллектуальное наследие, мышление, ценности, специфические особенности, дополнения.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар, тизимида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун моҳияти ҳамда замонавий кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари бевосита таълим соҳасидаги ислохотларнинг ўзагини ташкил этади.


Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда илм-фан ва техника тармоқларининг беқиёс даражада тараққий этиб бораётганлиги, инсон шахсининг ҳар томонлама ва баркамол ривожланаётганлиги нутқ маданиятига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бинобарин, нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида маданий ҳаётимиз тараққиётига мунтазам равишда муносиб улушини қўшиб келмоқда. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб кафедрамиз негизида бўлғуси муҳандислар ва иқтисодчилар учун “Таржимон” тўғараклари иш олиб бормоқда. Тўғарак қатнашчилари ўз фаолияти давомида техник ва иқтисодий матнларни ёзма таржима қилиш билан шуғулланадилар ҳамда иш жараёнида баъзи бир грамматик муаммоларга дуч келдилар.

Нутқ маданиятининг муҳим омилларидан бири нутқнинг грамматик жиҳатдан пухта ва тўғри бўлишидир. Бу ҳол, биринчи навбатда, тилнинг адабий, шу жумладан, грамматик меъёрларини пухта ўзлаштириб олиб, нутқ қурилишининг грамматик шаклларини тўғри туза билишни талаб этади.

<https://ejedl.academiascience.org>

**Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning is a scholarly peer reviewed international Journal**




Грамматик меъёрларга риоя қилиш аввало жумла шаклларини яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланишни, сўнгра жумладан ўзак, негиз ва қўшимчалар ўрталаридаги муносабатларнинг тўғри бўлишини, эга ва кесимнинг мослигини, иккинчи даражали бўлақлар хусусиятларига яхши эътибор беришни ҳамда сўз тартибининг қоидага мувофиқ бўлишини талаб этади. Тиниш белгилари жумлаларнинг тўғри тузилиши ва улардаги фикрнинг аниқ ифодаланиши учун хизмат қилар экан, уларнинг фикр мақсадига мувофиқ қўйилиши ҳам муайян матндаги фикрни муаллиф баён этганидек тушуниш имкониятини беради.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги асл матнда фойдаланилган грамматик шаклларни таржима тилига кўр-кўрона кўчиришни эмас, балки улар воситасида ифода этилган фикрларни муқобил шакллар ёрдамида функционал қайта тиклашни тақозо этади. Амалий фаолиятда шу нуқтаи назардан ёндашилгандагина таржима тилида асл матндаги грамматик шаклларга мос шаклли воситаларнинг йўқлиги ўз аҳамиятини йўқотади. Бинобарин, икки тил шаклларининг ўхшашлиги шаклий аҳамият касб этади.

Тил маданиятига риоя қиладиган, диди баланд бадиий ижод соҳибларимиз юксак савияли асарлар ва таржималар яратиб, адабий тилдан саводли фойдаланишнинг ажойиб намуналарини намойиш қилмоқдалар. Аммо қатор асл, айниқса таржима асарлар тилини кузатиш айрим қаламкашларнинг адабий тил имконият ва меъёрларидан баъзи ҳолларда унумли ва ўринли фойдалана олмаётганликларини кўрсатмоқда. Улар фақат лексик ва стилистик чалкашликларга эмас, балки тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилишда ҳам кўпгина хатоликларга йўл қўймоқдаларки, бу камчиликлар нутқнинг қонуний-табиий жарангдорлигини бузишдан ташқари, маънонинг нотўғри, баъзан мутлақо қарама-қарши ҳолда талқин этилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Қўшимчалар ўз вазифалари жиҳатидан муқаррар нормаларга эга эканлиги туфайли жумла таркибидаги сўзларнинг ўзаро алоқа муносабатга киришларида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти қўшимчаларнинг ишлатилиш меъёрларига ҳам қатъий риоя қилишни талаб этади. Улардан ўринсиз фойдаланиш эса жумла таркибидаги сўзлар орасидаги муносабатнинг анорматик ҳолатга учрашига, оқибатда ифоданинг дағал ғайри табиий жаранглашига сабаб бўлади. Гап ўзбек тилидаги баъзи келишиқ қўшимчалари ҳақида борадиган бўлса, охириги пайтларда баъзан грамматика қоидасига зид ҳолда бўлиб қолади.

Кесимнинг мажхул даражада келганида эганинг бош келишиги ўрнига тушум келишиги формасини қабул қилиши эга билан кесим ўртасидаги мослашувга путур етказди. Эга тушум келишиги қўшимчасини кесим аниқ даражада ишлатилгандагина қабул қилади.



Хулоса қилиб айтганда нутқ маданиятида таржима асослари маълум бир фикр ва тушунчани ифодалаш учун ишлатилади ва тилда мавжуд бўлган икки ва ундан ортиқ воситалар орасидан мақсадга мувофиғини танлаб саралаб ишлатиш тамойилларига асосланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Г.А.Абдурахмонов. Узбек тили грамматикаси. 1 том, Изд-во “Фан”, Т., 1975, с.366
2. Бодуэн де Куртенэ И.А. О смешанном характере всех языков. В кн. : И.А.Бодуэн де Куртенэ. Избранные труды по общему языкознанию, т.1, М., 1963, с 37Г.
3. Буранов Ж.Б. Инглиз ва узбек тилларининг киёсий грамматикаси. Т., 12 бет.
4. Виноградов В.В. О некоторых вопросах русской исторической лексикологии. Изд. АН СССР отд.лит.и яз., 1953,т.12,вып.3,с. 193.
5. Karimova Feruza Inoyatovna “Ingliz tilidagi matnlarni tarjima qilishda ma’nolarni berish” Образования и наука в XXI веке (Россия) Выпуск №24 (том 2) (март 2022)
6. Karimova Feruza Inoyatovna “Methods of effective use of models in translation of English text into Russian an Uzbek” International Conference of Advance Research in Humanities, Sciences and Education 28.03.2022 Turkey
7. Karimova Feruza Inoyatovna “Some innovation in teaching English” International Conference of Advance Research in Humanities, Sciences and Education 28.03.2022 Turkey
8. Karimova Feruza Inoyatovna “Historical reality in Uzbek literature and discourse analysis of folk songs” O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Andijon Mashinasozlik instituti ISSN 2181-1539 2022 yil
9. Karimova Feruza Inoyatovna “Xorijiy tilni o‘rganish yangi metodikasi , Andijon mashinasozlik instituti” «Raqamli hayot va ijtimoiy fanlarni ning barkamol avoldni voyaga yetkazishdagi o‘rni va ahamiyati: dolzarb muammolar va istiqbollar» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 12 aprel 2022 yil, Andijon
10. Мамадалиев Б. Хозирги узбек тилида кушма сузлар. Кузон, Давлат Пединститут Илмий ишлар туплами. Фаргона, 1958, с.24.
11. Ярцева В.Н. Сравнительная типология и ее связи с контрастивной лингвистикой. –НДВШ, фил.науки, 1978
12. . Karimova Feruza Inoyatovna “Ingliz va o‘zbek tillardagi qoshma fe’llarning semantic tahlili ” O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Andijon Mashinasozlik instituti ISSN 2181-1539 2022 yil № 5( maxsus son 2-tom).